Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ
Объявление
"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҚЎШМА УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

“O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамияти 2024 йил 28 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖнинг маъмурий биносида, “O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ ҳамда уни қўшиб олаётган “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти – 10:30 дан 11:00 га қадар амалга оширилади.

Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши кун тартиби

1. Акциядорларининг қўшма умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

2. “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ ҳамда унга қўшиб олинаётган “O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ акциядорларининг қўшма умумий йиғилишидаги саноқ комиссияси таркиби ва аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида.

3. “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖга “O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ қўшиб олинаётганлиги муносабати билан “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖнинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уставни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш саналари:

- акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 5 февраль 2024 йил;

- акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 22 февраль 2024 йил.

Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар *(материаллар)* бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзили бўйича мурожат қилиниши мумкин.

Телефон: +99855 501-30-30

Жамият электрон почта манзили: info@uzet.uz

05.02.2024

Дата: 06.10.2026